

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.33/01.02.2022.Ped.146.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАХМАНОВ ЭЛДОР ТОЛИБЖОНОВИЧ

**МАЛАКАЛИ ЮНОН-РИМ КУРАШЧИЛАРИНИНГ КОМБИНАЦИОН
ҲУЖУМ ҲАРАКАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Рахманов Элдор Толибжонович

Малакали юнон-рим курашчиларининг комбинацион ҳужум ҳаракатларини
такомиллаштириш 5

Рахманов Элдор Толибжонович

Совершенствование комбинационных атакующих движений
квалифицированных борцов греко-римского стиля 31

Rakhmanov Eldor Tolibjonovich

Improvement of combined attacking movements of experienced Greco-Roman
wrestlers 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.33/01.02.2022.Ped.146.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАХМАНОВ ЭЛДОР ТОЛИБЖОНОВИЧ

**МАЛАКАЛИ ЮНОН-РИМ КУРАШЧИЛАРИНИНГ КОМБИНАЦИОН
ХУЖУМ ҲАРАКАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped1470 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саламов Раҳматилла
педагогика фанлари доктори, профессор
Азизов Носиржон Нематиллаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти ҳузуридаги PhD.33/01.02.2022.Ped.146.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” ___ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” бино, 2 қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 210412 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.М. Маткаримов
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д. (DSc), профессор

Ж.М. Иштаев
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Р.М. Маткаримов
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юнон-рим кураши оммавийлашган ва томошабоблиги билан ажралиб турадиган спорт турларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Юнон-рим кураши бўйича халқаро мусобақа қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар сабаб ушбу кураш турига хос техник-тактик ҳаракатлар ва жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси борган сари такомиллашиб бормоқда. Спорт натижалари ўртасида рақобатнинг шиддат билан ўсиб бориши машғулотлар жараёнини ташкил қилишда юклама ҳажми ва жадаллиги кўрсаткичларининг аниқ меъёрларини белгилаш ва бошқариш, техник-тактик ҳаракатларни комбинациялашда янги услубиятларни ишлаб чиқиш талабини кўймоқда.

Дунёда малакали юнон-рим курашчиларини мусобақаларга тайёрлаш учун турли босқич ва гуруҳларда машғулот юкламаларини режалаштириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш, техник усулларга ўргатиш услубларини ишлаб чиқиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва уларни тор ихтисосликка йўналтириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Юнон-рим курашчиларининг умумий ва махсус ҳаракат тайёргарлигини баҳолаш ва жисмоний сифатларини ривожланганлик даражасини техник-тактик ҳаракатларга таъсирини ўрганиш бўйича янги услубиятлар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу спорт турида асосий мусобақаларга тайёрлашда техник-тактик ҳаракатларни амалга оширишда замонавий технологияларни яратиш, комбинация ҳаракатларини амалга ошириш услубиятларини модернизациялаш ва уларни такомиллаштиришнинг янада самарали йўллари излаб топиш соҳада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда спорт турлари ичида юнон-рим курашчилар билан шуғулланувчилар сонининг ортиб бориши машғулотларни бошқариш тизимини тубдан янгиланиши ва техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. “Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этиш”¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада машғулот юкламалари, восита ва усулларини оптимал нисбатлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда машғулот жараёнини илмий асосда ташкил этиш, юнон-рим кураши бўйича илмий-методик ишланмалар яратилган бўлиб, шу билан бирга, ҳали ўрганилиши зарур бўлган масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 1-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ-4877-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги олимпия ва XVII паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарорларида кўзда тутилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлат ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юнон-рим кураши спорт турини ривожлантиришнинг илмий, назарий ва услубий асослари техник-тактик тайёргарлик компонентларига боғлиқ ҳолда Н.М.Галковский, Ю.А. Шахмурадов, Г.С.Туманян, В.Ф.Бойко, Г.В.Данько, Ф.А. Керимов, Н.А. Тастанов² каби хориждаги ва мамлакатимиздаги олимлар ва мутахассисларнинг фундаментал тадқиқотларида ёритилган.

Малакали спортчиларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш муаммолари жисмоний тарбия ва спорт назарияси соҳасидаги етакчи олимлар В.Н. Платонов, Л.П. Матвеев, М.А.Годик, В.П.Филин, Ю.В.Верхошанский, Ю.Ф.Курамшин, Л.П.Волков, Т.С. Усманходжаев, Р.Д. Халмухамедов, В.Н. Шиннинг³ илмий ишларида ёритилган. Кураш турлари бўйича

² Галковский Н.М, Шахмурадов Ю.А.// Спортивная борьба: Ежегодник.-М.: Физкультура и спорт, 1981.- С.3-8; Туманян Г.С. Спортивная борьба: теория, методика, организация тренировки. Учебное пособие. -М.: Советский спорт, 1997.-384 с.; Бойко В.Ф., Данько Г.В. Физическая подготовка борцов. Киев, Олимпийская литература, 2004. – 223 с.; Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ЗАР ҚАЛАМ, 2004. – 280 б.; Tastanov N.A. – Yunon-rim kurashi nazariyasi va uslubiati. O‘quv qo‘llanma. – Т.: ITA-PRESS, 2014. – 258 б.

³ Платонов В.Н. Структура многолетнего процесса занятий спортом // Теория спорта.-Киев: Вища школа, 1987. – С. 295-310.; Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: Учебник – М.: Физкультура и спорт, 1991. – 542 с.; Годик М.А., Берамидзе А.М., Киселева А.М. Стретчинг: подвижность, гибкость, элегантность. Учебное пособие. - М., Сов.спорт, 1991, - 103 с.; Филин В.П. Спортивная подготовка как многолетний процесс. // Современная система спортивной подготовки. М.: САМ, 1995, С. 351-389.; Верхошанский Ю.В. - Горизонты научной теории и методологии спортивной тренировки /Ю.В.Верхошанский// Теория и практика физ. культ. -1998.-Т/р7.-С.41-54.; Курамшин Ю.Ф. – Взаимодействие

машғулотларни режалаштириш, ташкил қилиш, янги ва замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда курашчиларнинг спорт маҳоратини ошириш каби масалаларга қаратилган тадқиқотларда Н.А.Керимов, Ф.А.Керимов, А.К.Атаев, Г.С.Туманян каби олимлар назарий ва амалий аҳамиятга эга натижаларга эришганлар. Лекин, юнон-рим кураши бўйича машғулотларни ташкил қилишда, унинг барча компонентлари билан бир қаторда, шундай бир ҳолат борки, курашчи беллашув вақтида қулай фурсат туғилиши билан техник-тактик тайёргарлигини ишга солиб, рақиб устидан устунликка эришишга интилади. Бундай тайёргарлик яхши ўзлаштирилмаганлиги сабабли спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда ғалабага эриша олмаяптилар. Шу боис, айнан техник-тактик тайёргарликни такомиллаштириш муаммоси бугунги кунда долзарб ҳамда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Малакали юнон-рим курашчиларининг комбинацион ҳужум ҳаракатларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малакали юнон-рим курашчиларининг комбинацион ҳужум ҳаракатларини такомиллаштириш бўйича тайёргарлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малакали юнон-рим курашчиларининг комбинацион ҳужум ҳаракатларини таҳлил қилиш асосида техник-тактик имкониятлари такомиллаштириш бўйича тайёргарлик дастури ишлаб чиқиш;

малакали юнон-рим курашчиларининг комбинацион ҳужум ҳаракатларини ривожлантиришга қаратилган машғулот услубияти ишлаб чиқиш;

малакали юнон-рим курашчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини нисбий кўрсаткичлари асосида такомиллаштириш;

мусобақа жараёнида юқори бўлган техник усулларни такомиллаштириш учун яқинлаштирувчи машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида спорт такомиллашуви босқичида юнон-рим курашчиларининг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув машғулотлари жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини юнон-рим курашчиларининг ўқув машғулоти ва мусобақа жараёнидаги умумий ва махсус ҳамда техник-тактик тайёргарлиги ташкил қилади.

(перенос) навыков/ Ю.Ф.Курамшин Н.Е.Латышева//Теория и методика физической культуры (курс лекций): Учебное пособие.-СПб.:СПбГАФК им.П.Ф.Лесгафта, 1999.-С.65-67.; Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. Учебное пособие. Киев: Олимпийская литература, 2002. – 294 с.; Халмухамедов Р.Д., Шин В.Н. – Ёш яккакурашчилар кўп йиллик тайёргарлик жараёнининг турли босқичларида саралашнинг меъёрлари. Ўқув-услубий кўлланма. Тошкент: Лидер Пресс, 2013. - 158 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатишлар, сўровнома, педагогик назорат тестлари, педагогик тажриба, математик статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

малакали юнон-рим курашчиларининг ҳужум қилишдаги комбинацион ҳаракатларини такомиллаштириш учун белдан ошириб ташлаш ва елкалардан ошириб ташлаш усулларини ўргатишда йиқитиш усулларининг биринчи фазада рақиб мувозанатини бузиш, иккинчи фазада рақибни ҳужум ҳаракатидан ҳимояга ўтказиш ҳисобига техник-тактик имкониятлари кенгайтирилган;

малакали юнон-рим курашчиларининг техник-тактик имкониятларидан келиб чиқиб, комбинацион ҳужум ҳаракатларини алдамчи ҳаракатлар билан (бажариши керак бўлган усулга ёндош усулни кўрсатиш) моҳирона ниқоблай олиш орқали рақибни иллюзияга тушириш ҳисобига стратегик машғулоти услубияти такомиллаштирилган;

малакали юнон-рим курашчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш учун оғирлаштирилган жисм билан эластик қайтувчи мосламага елкадан ошириш ҳаракатларини ассиметрик равишда ташлаш усулларига ривожлантирувчи машқ сифатида киритиш ҳисобига машғулоти олиб боришнинг вазифаси ва режимини ўзгартириш имконияти такомиллаштирилган;

малакали юнон-рим курашчиларининг мусобақа жараёнида асосан самарадорлиги юқори бўлган белдан ва елкалардан ошириб ташлаш техник усулларни такомиллаштириш учун мутлоқ кўрсаткичлари асосида изометрик тартибда чекланмаган вақтда максимал эркин мушак ҳаракатининг катталиги бўйича бажариладиган яқинлаштирувчи машқлар мажмуасини машғулоти киритиш ҳисобига комбинацион ҳаракатлардаги натижадорлик имкониятлари оширилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

малакали юнон-рим курашчиларининг ўқув-машғулотида қўлланилган техник-тактик тайёргарлик имконияти белдан ошириб ташлаш ва елкалардан ошириб ташлаш усулларини ўргатиш услубияти такомиллаштирилган;

комбинацион ҳужум ҳаракатларини ривожлантиришга қаратилган машғулоти услубияти ишлаб чиқилган;

малакали юнон-рим курашчиларининг машғулоти олиб боришнинг вазифаси ва режимини ўзгартириш имконияти такомиллаштирилган;

мусобақа жараёнида юқори бўлган техник усулларни такомиллаштириш учун яқинлаштирувчи машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси [билишнинг диалектик усули] ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва услубияти

соҳасидаги республикамиз, чет эл олимлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи тренерларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифаларининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малакали юнон-рим курашчилари томонидан қўлланиладиган усулларнинг техник-тактик ҳаракатларни ўргатиш услубияти умумий ва махсус тайёргарлигини мақсадли такомиллаштириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, малакали юнон-рим курашчилари томонидан қўлланиладиган асосий усуллар ва мусобақа фаолиятида қўлланиладиган техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштириш учун умумий ва махсус тайёргарлигида ривожлантирувчи ва яқинлаштирувчи машқларни ишлаб чиқиш ҳамда тавсияларни машғулот жараёнига жорий этиш билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малакали юнон-рим курашчиларининг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

малакали юнон-рим курашчиларининг ҳужум қилишдаги комбинацион ҳаракатларини такомиллаштириш учун белдан ошириб ташлаш ва елкалардан ошириб ташлаш усулларини ўргатишда йиқитиш усулларининг биринчи фазада рақиб мувозанатини бузиш, иккинчи фазада рақибни ҳужум ҳаракатидан ҳимояга ўтказиш ҳисобига техник-тактик имкониятларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар “Республика олимпия заҳиралари коллежи” ва “Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи” ўқув-машғулотлари дастурига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 03-13/156 - сон маълумотномаси). Натижада ҳужумда муваффақиятли бажарилган техник усуллар 18% га яхшиланган;

малакали юнон-рим курашчиларининг техник-тактик имкониятларидан келиб чиқиб, комбинацион ҳужум ҳаракатларини алдамчи ҳаракатлар билан (бажариши керак бўлган усулга ёндош усулни кўрсатиш) моҳирона ниқоблай олиш орқали рақибни иллюзияга тушириш ҳисобига стратегик машғулот услубияти “Республика олимпия заҳиралари коллежи” ва “Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи” ўқув-машғулотлари дастурига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 03-13/156 - сон маълумотномаси). Натижада тажриба гуруҳи курашчилари томонидан мураккаб ҳужум ҳаракатларини ўргатиш имконияти 16-18% га ўсган;

малакали юнон-рим курашчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш учун оғирлаштирилган жисм билан эластик қайтувчи

мосламага елкадан ошириш ҳаракатларини ассиметрик равишда ташлаш усулларига ривожлантирувчи машқ сифатида киритиш ҳисобига машғулот олиб боришнинг вазифаси ва режимини ўзгартириш имкониятини такомиллаштириш бўйича таклифлар “Республика олимпия заҳиралари коллежи” ва “Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи” ўқув-машғулотлари дастурига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 03-13/156 - сон маълумотномаси). Малакали юнон-рим курашчиларининг ўқув-машғулот жараёнидаги умумий ва махсус тайёргарликнинг нисбий кўрсаткичлари 21 % га ўзгарган;

малакали юнон-рим курашчиларининг мусобақа жараёнида асосан самарадорлиги юқори бўлган белдан ва елкалардан ошириб ташлаш техник усулларни такомиллаштириш учун мутлоқ кўрсаткичлари асосида изометрик тартибда чекланмаган вақтда максимал эркин мушак ҳаракатининг катталиги бўйича бажариладиган яқинлаштирувчи машқлар мажмуасини машғулотга киритиш ҳисобига комбинацион ҳаракатлардаги натижадорлик имкониятлари бўйича тавсиялар “Республика олимпия заҳиралари коллежи” ва “Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи” ўқув-машғулотлари дастурига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 03-13/156 - сон маълумотномаси). Натижада асосий мусобақаларда ҳужум техник-тактик ҳаракатларни бажаришда курашчиларнинг кўрсаткичлари дастлабки натижаларга нисбатан 18-20%га ўсишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола (2 та республикада нашр қилинадиган ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш ва тўртта бобдан иборат бўлиб, 136 саҳифали матн, 20 та расм, 16 та жадвал, 1 та чизма хотима, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, диссертацияда кўтарилган муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги, натижаларининг

ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси ва уларни эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Юнон-рим курашчиларининг комбинацион ҳужум ҳаракатларини такомиллаштириш муаммоси юзасидан адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўрганилаётган муаммолар юзасидан илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили баён этилган. Спортчиларнинг кўп йиллик машғулот жараёнини бошқариш аниқ бир спорт турида спортчининг юқори спорт натижаларига эришиши учун ёрдам берувчи тайёргарликнинг турли жиҳатларини такомиллаштириш мақсади сифатида белгиланади. Машғулот жараёнини самарали бошқаришнинг кенг тарқалган турларидан бири мақсадли-дастурий ёндашув ҳисобланади. Муаллифларнинг фикрича, спортда борган сари ўсиб бораётган рақобат, ҳаддан ташқари кўпайиб бораётган машғулот ва мусобақа юкламаларини бажариш кераклиги бошқариш муаммоларини қийинлаштиради.

Ишнинг мазкур бобида ушбу муаммоларнинг ечими, юнон-рим курашчиларни техник-тактик ҳаракатларга ўргатишнинг умумий тавсифи ва уни такомиллаштиришнинг йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун, илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатишлар, сўровнома, педагогик назорат тестлари, тадқиқотни амалга ошириш учун педагогик тажрибалар, маълумотларнинг статистик таҳлили, педагогик тадқиқотни ташкил қилиш каби педагогик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги ёритилган.

2018 йилнинг октябрь ойидан 2021 йилнинг декабрь ойигача олиб борилган тадқиқотлар давомида, малакали юнон-рим курашчиларнинг машғулот ва мусобақаларда қўлланиладиган асосий техник-тактик усулларини аниқлаш асосида малакали юнон-рим курашчиларида комбинацион ҳужум ҳаракатларини такомиллаштириш услублари ўрганилди ва ушбу ҳаракатларни такомиллаштириш динамикаси назорат қилинди.

Педагогик кузатишларда 60 дан ортиқ курашчи таҳлил қилинди.

Асосий педагогик тадқиқотда 48 нафар 18-19 ёшли малакали курашчилар қатнашди. Ушбу педагогик тадқиқотда назорат гуруҳида 24 нафар ва шунингдек тажриба гуруҳида ҳам 24 нафар курашчи иштирок этди.

Тажриба гуруҳи машғулотларининг асосий қисмидаги усулларга нисбатан педагогик тажриба услуби қўлланилди ва мазкур берилган услубларга эътибор берилди:

- усулларни бажариш тартиби;
- усулларни икки ва ундан ортиқ комбинациялар даражасида бажариш;
- усулларни тезликда бажариш машқлари (10, 20, 30 сония);
- комбинацион усулларни 25-50-75 ва 100% ли қаршилиқлар билан бажариш;
- усулларни пассив зонасида бажариш тартиблари.

Тадқиқот гуруҳида елкалардан ошириб ташлаш усулининг бажарилиш тактикасини ривожлантиришга йўналтирилган воситалар қўлланилди.

Тайёргарлик қисмидаги (курашчининг махсус машқлари билан биргаликда) машқлар:

1. Жойидан туриб юқорига вертикал йўналишда 5 марта сакраб икки оёк билан дебсиниб, ҳар сакраганда ҳавода навбатма-навбат ўнг ва чап томонларга 360° айланиб, ерга қўниш.

2. Қўлларга таяниб горизонтал ҳолатда қўлларни максимал тезликда сакраб букиш-ёзиш (3 марта 30 сониядан, оралиқ танаффус 30 сония).

3. Максимал тезликда 10 марта олдинга 10 марта орқага акробатик машқ бажариш.

4. Гидамга бошни тираб ўз ўқи атрофида айланиб максимал тезликда югуриш.

5. Ўнг ва чап томонларга елкалардан ошириб ташлаш усулининг имитацион ҳаракатларини бажариш.

6. Ҳаракатли ўйинлар (рақибнинг оёғи учини босиш, рақиб оёғининг тиззасига қўлни теккизиш, хўроз жанги ва бошқалар).

Асосий қисмдаги машқлар:

1. Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва белини ушлаб белдан ошириб ташлаш – елкалардан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш.

2. Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўлидан тортиб партерга ўтказиш – елкалардан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони).

3. Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йиқитиш – елкалардан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони).

4. Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва белини ушлаб, белдан ошириб ташлаш – елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони).

5. Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўлидан тортиб партерга ўтказиш – елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони).

6. Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йиқитиш – елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони).

7. Ташлаш усулларини бажаришдан олдинги ҳаракатларни такомиллаштириш (ушлашлар ва уларни алмаштириш, ташлашга қулай шароит келтирувчи усулларнинг ярмигача ҳаракатларни амалга ошириш) (сони).

8. Ташлаш усулларини 25%, 50%, 75%, 100% қаршилик билан бажариш.

9. Ҳаракатли ва спорт ўйинларини қўллаш.

Юқоридаги ҳаракат воситалари 1-жадвалдаги режа асосида амалга оширилди.

Ҳар бир ҳаракат воситасини бажариб бўлгандан сўнг, 60-120 сония давомида мушакларни бўшаштирувчи-таранглаштирувчи, нафас олиш функциясини тикловчи (чуқур нафас олиш ва чуқур-кескин нафас чиқариш) машқлар бажарилди.

Тадқиқотни илк бор ўтказишда назорат ва тадқиқот гуруҳлар таркибидаги шуғулланувчилар тайёргарлиги бир ҳилдаги бўлганликлари сабабли барча текширилувчиларда қайд этилган натижалар умумий равишда (n-48) статистик ҳисобланди, сўнгра икки гуруҳ натижалари алоҳида математик-статистик таҳлил асосида ҳисоблаб чиқилди. Педагогик тадқиқот тугаганидан сўнг ушбу икки гуруҳ таркибидаги курашчилар натижалари яна қайта алоҳида математик-статистика услубида таҳлил қилинди.

1-жадвал

Елкалардан ошириб ташлаш усулини бажариш тактикасига йўналтирилган воситаларни қўллаш режаси

№	Вазифалар	январ	феврал	март	апрел
1.	Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва белини ушлаб белдан ошириб ташлаш – елкалардан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони)	+	+		
2.	Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўлидан тортиб партерга ўтказиш – елкалардан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони)	+	+		
3.	Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йиқитиш – елкалардан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони)	+	+		
4.	Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва белини ушлаб белдан ошириб ташлаш – елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони)			+	+
5.	Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўлидан тортиб партерга ўтказиш – елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони)			+	+
6.	Максимал тезликда ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йиқитиш – елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони)			+	+
7.	Ташлаш усулини бажаришдан олдинги ҳаракатларни такомиллаштириш (ушлашлар ва уларни алмаштириш, ташлашларга қўлай шароит келтирувчи усулларнинг ярмигача ҳаракатларни амалга ошириш) (сони)	+	+	+	+
8.	Ташлаш усулларини 25%, 50%, 75%, 100% қаршилиқ билан бажариш (сони)	+	+	+	+
9.	Ҳаракатли ва спорт ўйинларини қўллаш	+	+	+	+

Диссертация тадқиқотлари уч босқичда ўтказилди:

1. Биринчи – аналитик ва методик босқичи (2018-2019 йиллар) – маҳаллий ва чет эл адабиётларида мазкур мавзу доирасидаги илмий муаммоларнинг ҳолатини тушуниш, мавзунинг ривожланиш даражасини ўрганиш, илмий аппарат ва тадқиқот дастурларини белгилаш, ишчи фаразни яратиш масалаларига бағишланди.

2. Иккинчи – лойиҳалаштириш ва амалга ошириш босқичи (2019-2020 йиллар) – Олимпия заҳиралари коллежи машғулот жараёнининг технологик моделини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш, таълим мазмунинг педагогик моделлаштириш учун мезон ва кўрсаткичлар тизимини белгилаш, экспериментал ишларни олиб бориш, бу жараёнда гипотизани такомиллаштириш амалга оширилди.

3. Учинчи – назорат ва текшириш босқичи (2020-2021 йиллар) олинган тадқиқот натижаларининг диаграммаси ишлаб чиқилган ва тадқиқот натижаларининг формуласини шакллантириш ва таълим мазмунини педагогик моделлаштириш учун ишлаб чиқилган мезон ва тизим кўрсаткичларига мос равишда баҳоланди.

Диссертациянинг “**Юнон-рим курашчиларининг мусобақа фаолиятини назорат қилиш**” деб номланган учинчи бобида юнон-рим кураши тренерлари ўртасида ўтказилган анкета сўровномаси натижалари баён қилинган. Шунингдек, юнон-рим курашчиларининг техник-тактик маҳоратини оширишнинг методологик асослари ҳамда машғулот жараёнларининг ташкилий ва педагогик асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Юнон-рим курашида комбинацион ҳужум ҳаракатларини такомиллаштириш йўллари топиш юзасидан мамлакатимизда фаолият юритаётган мураббийларнинг фикрлари сўралди. Анкета сўровномаларида мамлакатимизнинг турли кураш жамоаларида фаолият юритаётган 80 нафар малакали мураббийлар иштирок этди. Берилган саволларга қуйидагича жавоблар олинди.

2-жадвал

Мамлакатимизнинг турли кураш жамоаларида фаолият юритаётган 80 нафар малакали мураббийларнинг анкета сўровномаларида билдириб ўтган фикрлари ва мулоҳазалари

№	Саволлар	Тренерларнинг саволларга жавоблари		
1	Комбинацион ҳаракатлар юнон-рим курашчиларига керакми ёки йўқми?	“ха” 73,3%		унчалик аҳамиятга эга эмас 26,7%
2	Комбинация ҳаракатлар бўйича кўпроқ “иккиталик” комбинацияларга ўргатиш мақсадга мувофиқми ёки “учталики”?	иккиталик 33,3%		учталики 46,7% учтадан ортиқ 20%
3	Комбинацион ҳаракатларга қайси босқичдан бошлаб ўргатган самаралироқ?	бошланғич базавий тайёргарлик босқичи 13,4%	мутахассисликка чуқурлаштириш босқичи 53,3%	спорт такомиллашуви босқичи 33,3%

2-жадвал давоми

4	Комбинацион ҳаракатлар вақтида рақиб ҳаракатларини сезиш қай даражада зарур?	юқори 66,7%		ўрта 33,3%		
5	Комбинацион ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида қайси жисмоний сифат кўпроқ аҳамиятга эга?	тезкорлик 13,3 %	куч 33,4%	чакқонлик 13,3 %	чидамлик 40 %	
6	Мусобақа жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларида қайси техник усулларни самарали деб ҳисоблайсиз?	елкалардан ошириб ташлаш 28%	белдаш ошириб ташлаш 27%	кўкракдан ошириб ташлаш 23%	эгилиб ташлаш 12%	қўлини бўйинга ўраб ташлаш 10%
7	Беллашув тактикасини тузиш жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларида қайси техник усулларга асосланиш мақсадга мувофиқ деб биласиз?	елкалардан ошириб ташлаш 29%	белдаш ошириб ташлаш 27%	кўкракдан ошириб ташлаш 25%	эгилиб ташлаш 10%	қўлини бўйинга ўраб ташлаш 9%

“Мусобақа жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларида қайси техник усуллар самарали деб ҳисоблайсиз?”

“Елкалардан ошириб ташлаш” – (28 %), “Белдаш ошириб ташлаш” – (27%), “Кўкракдан ошириб ташлаш” – (23%), “Эгилиб ташлаш” – (12 %), “Қўлини бўйинга ўраб ташлаш” – (10 %).

Саволга берилган жавоблардан кўриниб турибдики, мусобақа жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларини амалга оширишда мураббийларнинг фикрича, асосан 3 та техник усуллардан яъни “Елкалардан ошириб ташлаш”, “Белдаш ошириб ташлаш” ва “Кўкракдан ошириб ташлаш” усулларида фойдаланиш самали ҳисобланади. Бу эса курашчидан юқори даражадаги махсус чидамликни талаб қилади. “Мусобақа жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларида қайси техник усуллар самарали деб ҳисоблайсиз?” деган саволга мураббийлар фикрларининг фоиз кўринишидаги таҳлил кўрсаткичларини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Мусобақа жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларида қайси техник усуллар самарали деб ҳисоблайсиз?


Юнон-рим кураши бўйича етакчи мураббийларимизнинг анкета саволларига берган жавобларидан хулоса қилиш мумкинки, юнон-рим курашида мусобақа жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва ҳимоя ҳаракатлари курашчининг ғалабага эришишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳаракатлар

орқали курашчи рақибинига бир неча техник-тактик усулларни занжирсимон тарзда бажариш имкониятига эгадир.

“Беллашув тактикасини тузиш жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва химоя ҳаракатларида қайси техник усулларга асосланиш мақсадга мувофиқ деб биласиз?”

“Елкалардан ошириб ташлаш” – (29%), “Белдаш ошириб ташлаш” – (27%), “Кўкракдан ошириб ташлаш” – (25%), “Эгилиб ташлаш” – (10%), “Кўлини бўйинга ўраб ташлаш” – (9%).

Саволга берилган жавоблардан кўриниб турибдики, комбинацион ҳаракатларни беллашув тактикасини тузишни амалга ошириш жараёнида бир неча айрим техник усулларни маҳорат даражаси катта аҳамият касб эташи таъкидланди. “Беллашув тактикасини тузиш жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва химоя ҳаракатларида қайси техник усулларга асосланиш мақсадга мувофиқ деб биласиз?” деган саволга мураббийлар фикрларининг фоиз кўринишидаги таҳлил кўрсаткичларини кўришимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Беллашув тактикасини тузиш жараёнида ҳужум, қарши ҳужум ва химоя ҳаракатларида қайси техник усулларга асосланиш мақсадга мувофиқ деб биласиз?

Юнон-рим кураши бўйича етакчи мураббийларимизнинг анкета саволларига берган жавобларидан хулоса қилиш мумкинки, юнон-рим курашида беллашув тактикасини тузишда ҳужум, қарши ҳужум ва химоя ҳаракатлари курашчининг ғалабага эришишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳаракатлар орқали курашчи рақибинига бир неча техник-тактик усулларни занжирсимон тарзда бажариш имкониятига эгадир.

Комбинацион ҳужум ҳаракатларини такомиллаштириш орқали беллашувларда янада юқори натижаларга эришиш мумкин.

Комбинацион ҳаракатларни такомиллаштиришнинг ўзига хос томони, асосий методик тренировкалар давомийлиги умумий чидамлиликни ривожлантиришга қаратилгандир.

Тренировка жараёнида куйидагилар чидамлиликнинг ривожланишига ёрдам беради: 1) юклама ҳажми; 2) ҳаракат темпи; 3) иш давомийлиги ва характери; 4) тренировка дарслар оралиғи; 5) тренировкалар даврларининг тенг бўлиниши; 6) бошланғич даража.

Назорат гуруҳи белгиланган дастур асосида машғулотларга қатнашган бўлса, тажриба гуруҳининг машғулотларида эса комбинацион ҳаракатларни такомиллаштиришга йўналтирилган воситалар қўлланилди.

3-жадвал

**Назорат ва тажриба гуруҳидаги курашчиларнинг тадқиқот бошида
техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичлари**

№	Назорат синов усуллари	НГ n=24	ТГ n=24
		Тадқиқотдан олдин \bar{X}	
1	Ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўл ва белини ушлаб белдан ошириб ташлаш-елкалардан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш (сони)	17,26	17,75
2	Ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўлидан тортиб партерга ўтказиш-елкалардан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш (сони)	18,94	18,24
3	Ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йиқитиш-елкалардан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш (сони)	19,12	19,77
4	Ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўл ва белини ушлаб кўкракдан ошириб ташлаш-белдан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш (сони)	20,87	21,58
5	Ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўлидан тортиб партерга ўтказиш-белдан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш (сони)	19,48	18,82
6	Ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йиқитиш-елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш (сони)	20,98	20,35

4-жадвал

**Назорат ва тажриба гуруҳларидаги синалувчиларнинг педагогик
тажриба бошида техник назорат синовлар кўрсаткичлари статистик
характеристикаларини қиёсий солиштириш**

№	Назорат гуруҳи (n=24)			Тажриба гуруҳи (n=24)			Фарқи		t	P
	\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %	Абсолют	Нисбий		
1	17,26	2,17	12,57	17,75	2,29	12,90	0,49	2,84	0,54	>0,05
2	18,94	2,04	10,77	18,24	1,98	10,86	0,72	3,70	0,85	>0,05
3	19,12	1,87	9,78	19,77	1,94	9,81	0,65	3,40	0,84	>0,05
4	20,87	2,42	11,60	21,58	2,58	11,96	0,71	3,40	0,70	>0,05
5	19,48	2,06	10,57	18,82	2,05	10,89	0,66	3,39	0,79	>0,05
6	20,98	2,44	11,63	20,35	2,42	11,89	0,63	3,00	0,64	>0,05

Қулайлик учун назорат синов тестлари қуйидаги тартибда белгиланган: 1 – ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўл ва белини ушлаб белдан ошириб ташлаш – елкалардан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш сони (марта) юнон–рим курашчиларидан олинган кўрсаткичларнинг умумий фарқига кўра абсолют – 0.49, нисбий – 2.84, t – 0.54, P>0.05 кўрсаткичларни қайд этди. 2 – ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўлидан тортиб партерга ўтказиш – елкалардан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш сони (марта) юнон-рим курашчиларидан олинган кўрсаткичларнинг умумий

фарқиға кўра абсолют – 0.72, нисбий – 3.70, t – 0.85, $P > 0.05$ кўрсаткичларни қайд этди. 3 – ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йикитиш – елкалардан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш сони (марта) юнон-рим курашчиларидан олинган кўрсаткичларнинг умумий фарқиға кўра абсолют – 0.65, нисбий – 3.40, t – 0.84, $P > 0.05$ кўрсаткичларни қайд этди. 4 – ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўл ва белини ушлаб кўкракдан ошириб ташлаш – белдан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш сони (марта) юнон-рим курашчиларидан олинган кўрсаткичларнинг умумий фарқиға кўра абсолют – 0.71, нисбий – 3.40, t – 0.70, $P > 0.05$ кўрсаткичларни қайд этди. 5 – ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида “қўлидан тортиб партерга ўтказиш – белдан ошириб ташлаш” комбинациясини бажариш сони (марта) юнон-рим курашчиларидан олинган кўрсаткичларнинг умумий фарқиға кўра абсолют – 0.66, нисбий – 3.39, t – 0.79, $P > 0.05$ кўрсаткичларни қайд этди. 6 – ўз вазнига тенг шерикни 60 сония давомида қўл ва бўйинни олд-тепадан ушлаб қайириб йикитиш – елкадан ошириб ташлаш комбинациясини бажариш сони (марта) юнон-рим курашчиларидан олинган кўрсаткичларнинг умумий фарқиға кўра абсолют – 0.63, нисбий – 3.00, t – 0.64, $P > 0.05$ кўрсаткичларни қайд этди.

5-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳлари педагогик тажриба бошида юнон-рим курашчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари статистик характеристикаларини қиёсий солиштириш

№	Назорат гуруҳи n=24			Тажриба гуруҳи n=24			Фарқи		t	P
	\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %	Абсолют	Нисбий		
1	4,96	0,57	11,49	5,13	0,61	11,89	0,17	3,43	0,71	>0,05
2	17,27	2,31	13,38	17,79	2,47	13,88	0,52	3,01	0,53	>0,05
3	13,51	1,44	10,66	12,95	1,42	10,97	0,56	4,15	0,96	>0,05
4	180,26	16,94	9,40	173,26	16,98	9,80	7,01	3,88	1,01	>0,05
5	15,04	2,05	13,63	15,66	2,18	13,92	0,62	4,12	0,73	>0,05
6	11,94	1,26	10,55	12,32	1,33	10,80	0,38	3,18	0,74	>0,05
7	15,74	1,48	9,40	15,18	1,49	9,82	0,56	3,56	0,92	>0,05
8	16,76	1,94	11,58	15,94	1,89	11,86	0,82	4,89	1,05	>0,05
9	51,36	6,93	13,49	49,74	6,89	13,85	1,62	3,15	0,57	>0,05
10	11,58	1,45	12,52	12,02	1,55	12,90	0,44	3,80	0,75	>0,05

Қулайлик учун назорат синов тестлари қуйидаги тартибда белгиланган: 1 – 30 метрга югуриш вақти (сония), 2 – турникда тортилиш сони (марта), 3 – оғирлиги бир бўлган курашчи билан ўтириб туришлар сони (марта), 4 – турган жойидан узунликка сакраш (см), 5 – оғирлиги бир бўлган курашчининг белидан ушлаб партер ҳолатидан юқорига кўтаришлар сони (марта), 6 – тик турган ҳолатдан кўприк ҳолатига 5 марта тушиш вақти (сония), 7 – кўприк ҳолатида бош атрофида ўнг томонга 5 марта айлана югуришлар вақти (сония), 8 – кўприк ҳолатида бош атрофида чап томонга 5 марта айлана югуришлар вақти (сония), 9 – кўприк ҳолатида 60 сония ичида бўйин

мушакларини ривожлантирувчи такрорлаш ҳаракатлари сони (марта), 10 – кўприк ҳолатидан 5 марта хатлаб сакрашлар сони (марта).

Тажриба гуруҳида олиб борилган тадқиқотда ўқув-машғулот жараёнига жорий этилган юнон-рим курашчиларнинг комбинацион ҳужум ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган техник усуллар ва тактик ҳаракатлар жамланмасидан таркиб топган технология, машғулот жараёнининг асосий қисмида бериб борилди.

Юнон-рим курашчиларида ўқув-машғулот жараёнларининг тайёргарлик қисмларига махсус сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга қаратилган махсус машқлардан фойдаланилди. Ўз навбатида тайёрлов қисмидаги махсус машқлар, асосий қисмда бериб бориладиган техник усуллар ёки тактик ҳаракатлардан таркиб топган юклама ҳажмини инобатга олган ҳолда тақсимланиб борилди.

Ўқув-машғулотларнинг якуний қисмда, асосий қисм учун тизимлаштирилган юклама ҳажмидан келиб чиққан ҳолда эгилувчанлик сифатини ривожлантиришга қаратилган ва мушакларни бўшаштирувчи машқлари тақсимланиб борилди. Курашчиларга машғулот якунидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди ва муҳокамалар олиб борилди. Бу курашчиларда ҳам амалий, ҳам назарий билимларини бойитишга таъсир қилди.

Машғулотнинг тайёргарлик қисмида – максимал тезликда 20 марта олдинга, 20 марта орқага умбалоқ ошиш; гиламга бошни тираб ўз ўқи атрофида айланиб максимал тезликда югуриш; жойдан туриб юқорига вертикал йўналишда 10 марта сакраб, икки оёқ билан депсиниб, ҳар сакраганда ҳавода навбатма-навбат ўнг ва чап томонларга 360° айланиб, ерга қўниш; қўлларга таяниб горизонтал ҳолатда қўлларни максимал тезликда сакраб букиш-ёзиш (3 марта 30 секунддан, танаффус – 30 секунд).

Асосий қисмга қўшимча қилиб қўлланилган усуллар:

1. Ҳар бир курашчига 4 нафар рақиблар танлаб олинади (вазн тоифасига яқин бўлиши керак) ва ҳар бир бажараётган машқ тури ўзгариши билан курашчи рақибини ҳам ўзгартириб туради (5 дақиқадан, 5 маротаба такрорлаш, такрорланиш оралиғидаги танаффус – 30 сония, юклама катта шиддатда бажарилади 150-165 юрак уриш сони).

2. Техник усулларни бажаришда рақиблар бирин-кетин курашчининг бажараётган усулига йиқилиб бериши керак (5 дақиқадан, 5 маротаба такрорлаш, такрорланиш оралиғидаги танаффус – 30 сония, юклама катта шиддатда бажарилади 155-170 юрак уриш сони).

3. Курашчи маникенини ҳар хил томонга ташлаш.

4. Спорт гимнастикаси тасмасининг бир учини гимнастика нарвонига маҳкамлаб, иккинчи учи курашчининг елкаларидан ўтказилади ва рақибни билан техник усулларни бажаришда давом этади.

6-жадвал

Юнон-рим курашчиларнинг белдан ошириб ташлаш усулига асосланган комбинацион хужум ҳаракатларини
ривожлантиришга қаратилган дастур

Дастлабки ҳолатлар	1-хужум ҳаракати	Рақибнинг химоя ҳаракати	2-хужум ҳаракати	Рақибнинг химоя ҳаракати	3-хужум ҳаракати	Рақибнинг химоя ҳаракати	Комбинация хужум ҳаракатини яқунловчи усул
Белдан ошириб ташлаш усулларини бажариш учун комбинацион ҳаракатлар жамланмаси							
Тик турган ҳолатда, ўнг оёқ олдинда, ўрта масофада	Қўлни тортиб партерга ўтказиш усулининг 1-фазаси	Ортга чекиниш	Зарб билан йиқитиш усулининг 1-фазаси	Бир оёқни ортга узатиб, шу оёқга тираллиш	Кўкракдан ошириб ташлаш усулининг 2-фазаси	Икки қўл билан рақибнинг икки елкасини пастга босиш	Белдан ошириб ташлаш усули
Техник усулнинг ўртача нисбати	25 %	50 %	25 %	50 %	25 %	25 %	100 %
Машқлар шиддати	Ўрта	Ўрта	Юқори	Ўрта	Юқори	Ўрта	Юқори
Тик турган ҳолатда, ўнг оёқ олдинда, ўрта масофада	Зарб билан йиқитиш усулининг 1-фазаси	Бир оёқни ортга узатиб, шу оёқга тираллиб, гавдани тик ушлашга ҳаракат	Қўл остидан шўнғиб ўтиб партер ҳолатига ўтказиш усулининг 1,2-фазалари	Бир оёқда мувозанатни сақлаш	Кўкракдан ошириб ташлаш усулининг 2-фазаси	Икки қўл билан рақибнинг икки елкасини пастга босиш	Белдан ошириб ташлаш усули
Техник усулнинг ўртача нисбати	25 %	50 %	25 %	50 %	25 %	25 %	100 %
Машқлар шиддати	Юқори	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Юқори	Ўрта	Юқори
Тик турган ҳолатда, ўнг оёқ олдинда, ўрта масофада	Зарб билан йиқитиш усулининг 1-фазаси	Бир оёқни ортга узатиб, шу оёқга тираллиб, гавдани тик ушлашга ҳаракат	Қайриб йиқитиш усулининг 1,2-фазалари	Икки қўл билан рақибни ўзига тортиш ва ўзи билан йиқитиш, бир оёқда мувозанатни сақлаш ҳолатида	Кўкракдан ошириб ташлаш усулининг 2-фазаси	Икки қўл билан рақибнинг икки елкасини пастга босиш	Белдан ошириб ташлаш усули
Техник усулнинг ўртача нисбати	25 %	50 %	25 %	50 %	25 %	25 %	100 %
Машқлар шиддати	Юқори	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Юқори	Ўрта	Юқори

**Юнон-рим курашчиларнинг елкалардан ошириб ташлаш усулига асосланган комбинацион хужум
харакатларини ривожлантиришга қаратилган дастур**

Дастлабки ҳолатлар	1-хужум ҳаракати	Рақибнинг химоя ҳаракати	2-хужум ҳаракати	Рақибнинг химоя ҳаракати	3-хужум ҳаракати	Рақибнинг химоя ҳаракати	Комбинация хужум ҳаракатини яқунловчи усул
Елкалардан ошириб ташлаш усулларини бажариш учун комбинацион ҳаракатлар жамланмаси							
Тик турган ҳолатда, ўнг оёқ олинда, ўрға масофада	Қўлини тортиб партерга ўтказиши усулининг 1-фазаси	Ўзидан узоқлаштириши ҳаракати	Қўлини бўйинга ўраб партер ҳолатига тушуриши усулининг 1,2,3-фазаси	Бўш қўл билан рақибни пастга босиб, уиланган қўлни ўзига тортиши	Зарб билан йиқитиши усулининг 1-фазаси	Бир оёқни ортга узатиб, шу оёқга тиралиб, гавдани тик уилатишга ҳаракат	Елкалардан ошириб ташлаш усули
Техник усулнинг ўрғача нисбати	25 %	25 %	75 %	50 %	50 %	25 %	100 %
Машқлар шиддати	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Юқори	Ўрта	Юқори
Тик турган ҳолатда, ўнг оёқ олинда, ўрға масофада	Зарб билан йиқитиши усулининг 1,2-фазаси	Бир оёқни ортга узатиб, шу оёқга тиралиб, гавдани тик уилатишга ҳаракат	Қайриб йиқитиши усулининг 1,2-фазалари	Бир оёқда мувозанатни сақлаш ҳолатида	Зарб билан йиқитиши усулининг 1,2-фазаси	Рақибга қарши тиралиб гавдани тик уилатишга ҳаракат	Елкалардан ошириб ташлаш усули
Техник усулнинг ўрғача нисбати	50 %	50 %	50 %	50 %	50%	25 %	100 %
Машқлар шиддати	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Юқори	Ўрта	Юқори
Тик турган ҳолатда, ўнг оёқ олинда, ўрға масофада	Қўлини тортиб партерга ўтказиши усулининг 1-фазаси	Ортга чекиниши	Зарб билан йиқитиши усулининг 1-фазаси	Бир оёқни ортга узатиб, шу оёқга тиралиб, гавдани тик уилатишга ҳаракат	Қайриб йиқитиши усулининг 1,2-фазалари	Бир оёқда мувозанатни сақлаш ҳолати	Елкалардан ошириб ташлаш усули
Техник усулнинг ўрғача нисбати	25 %	25 %	25 %	50 %	50 %	25 %	100 %
Машқлар шиддати	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Юқори	Ўрта	Юқори

Мазкур жаadwalларда юнон-рим курашчиларнинг беллашув тактикаларини тузиш ва хужум ҳаракатларини такомиллаштиришларида самаралий техник усуллар ва улардан фойдаланишнинг ўрғача нисбати тақсимланиб чиқилган. Умумий комбинацияни тулқилгича бажарилиши учун унинг қисмлари яъни бир-бирига мос келадиган техник ҳаракат фазаларининг шиддати келтирилган.

Диссертациясининг “Юнон-рим курашчиларининг комбинацион хужум ҳаракатлар даражаларини такомиллашганлиги таҳлили ва унинг муҳокамаси” деб номланган тўртинчи бобида юнон-рим курашчиларининг жисмоний тайёргарлиги ва ҳаракатларини такомиллаштириш ва уни ошириш услубияти асосланган, шунингдек диссертация ишининг ушбу бобида юнон-рим курашчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари методикаси таҳлил этилган.

8-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳларининг тадқиқотдан кейин жисмоний тайёргарлик даражасининг қиёсий таҳлили

№	УЖТ ва МЖТ тестлари	назорат гуруҳи (n=24)			тажриба гуруҳи (n=24)		
		\bar{X}	σ	V%	\bar{X}	σ	V%
1	30 метрга югуриш (сония)	4,54	0,51	11,23	4,17	0,46	11,03
2	Турникда тортилиш (марта)	19,33	2,53	13,09	21,93	2,89	13,18
3	Оғирлиги бир бўлган курашчи билан ўтириб туришлар (сони)	14,75	1,52	10,31	16,06	1,63	10,15
4	Турган жойидан узунликка сакраш (см)	192,49	17,68	9,18	209,66	19,14	9,13
5	Оғирлиги бир бўлган курашчининг белидан ушлаб партер ҳолатидан юқорига кўтаришлар (сони)	16,87	2,23	13,22	19,32	2,56	13,25
6	Тик турган ҳолатдан кўприк ҳолатига тушиш 5 марта (сония)	10,82	1,11	10,26	10,21	1,04	10,19
7	Кўприк ҳолатида бош атрофида айлана югуришлар 5 марта ўнг томонга (сония)	14,64	1,35	9,22	13,3	1,22	9,17
8	Кўприк ҳолатида бош атрофида айлана югуришлар 5 марта чап томонга (сония)	14,72	1,63	11,07	13,02	1,45	11,14
9	Кўприк ҳолатида бўйин мушакларини ривожлантирувчи такрорлаш ҳаракати (60 сония ичида)	57,35	7,54	13,15	65,87	8,74	13,27
10	Кўприк ҳолатидан хатлаб сакрашлар 5 марта (сония)	12,73	1,57	12,33	14,54	1,77	12,17

Илмий изланиш якунига келиб тадқиқотга жалб этилган юнон-рим курашчиларининг комбинацион ҳаракат малакаларини эгаллашлари давомийлик даража кўрсаткичларини таъминловчи махсус машқларни ривожланганлик даражаларини аниқлаш мақсадида қайта синов тестидан фойдаланилди.

9-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳлари юнон-рим курашчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари статистик характеристикаларини қиёсий солиштириш

№	Назорат гуруҳи (n=24)			Тажриба гуруҳи (n=24)			Фарқи		t	P
	\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %	Абсолют	Нисбий		
1	4,54	0,51	11,23	4,17	0,46	11,03	0,37	8,15	1,87	>0,05

9-жадвал давоми

2	19,33	2,53	13,09	21,93	2,89	13,18	2,6	13,45	2,34	<0,05
3	14,75	1,52	10,31	16,06	1,63	10,15	1,31	8,88	2,04	>0,05
4	192,49	17,68	9,18	209,66	19,14	9,13	17,17	8,92	2,28	<0,05
5	16,87	2,23	13,22	19,32	2,56	13,25	2,45	14,52	2,50	<0,05
6	10,82	1,11	10,26	10,21	1,04	10,19	0,61	5,64	1,39	>0,05
7	14,64	1,35	9,22	13,3	1,22	9,17	1,34	9,15	2,55	<0,05
8	14,72	1,63	11,07	13,02	1,45	11,14	1,7	11,55	2,70	<0,05
9	57,35	7,54	13,15	65,87	8,74	13,27	8,52	14,86	2,56	<0,05
10	12,73	1,57	12,33	14,54	1,77	12,17	1,81	14,22	2,65	<0,05

Илмий изланиш якунига келиб тадқиқотга жалб этилган юнон-рим курашчиларнинг комбинация ҳаракат малакаларини эгаллашлари давомийлик даража кўрсаткичларини таямловчи махсус машқларни ривожланганлик даражаларини аниқлаш мақсадида қайта синов тестидан фойдаланилди.

Назорат ва тажриба гуруҳ курашчиларидан тадқиқот якунида олинган умумий ва махсус жисмоний сифат кўрсаткичлари қай даражада ривожланганлигини аниқлашга ёрдам берувчи синов машқлардан таркиб топган синов тестининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, илмий тадқиқот якунига келиб ҳамма кўрсаткичларнинг ўртача қийматларида фарқ борлиги кузатилди.

10-жадвал


Тажриба гуруҳ синалувчиларнинг техник усуллар бўйича назорат синовлар кўрсаткичлари статистик характеристикаларини педагогик тадқиқот давомида ўзгариш динамикаси (n=24)

№	Тадқиқот бошида			Тадқиқот охирида			Ўсиши		t	P
	\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %	Абсолют	Нисбий		
1	17,75	2,29	12,90	22,79	2,76	12,11	5,04	28,39	4,83	<0,001
2	18,24	1,98	10,86	21,41	2,19	10,23	3,17	17,38	3,75	<0,01
3	19,77	1,94	9,81	23,83	2,16	9,06	4,06	20,54	4,84	<0,001
4	21,58	2,58	11,96	27,11	3,03	11,18	5,53	25,63	4,83	<0,001
5	18,82	2,05	10,89	21,89	2,25	10,28	3,07	16,31	3,46	<0,01
6	20,35	2,42	11,89	25,75	2,88	11,18	5,4	26,54	4,84	<0,001

